Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 14 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 60 (6757)

Даъват

Йигитликда йиг илмнинг мағзини, Қарилик чоғи харж қилгин ани.

Алишер Навоий

Ибрат

Иштихон туманидаги 17-ўрта мактабнинг 14 нафар ўқувчиси Белоруссия республикасида бўладиган халқаро «Қувноқ стартлар» мусобақасига таклиф этилди. Тумандаги Мурод Жураев номли жамоа хўжалиги ёш спортчилар (ҳар бир ўқувчига 17 минг сум)га ҳомийлик кўрсатишни ўз зиммасига олди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 17 КУН ҚОЛДИ

1—4 ва 5—11-синфлар учун алоҳида-алоҳида мустаҳкам муқовали синф журналлари чоп этилди. Улар мактабингизга етиб бордими? Янги журналларни юритиш тартиблари ишлаб чиқилдими?

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида 10 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди.

Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, давлат корпорацияси ва концернлар, уюшмалар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманларининг ҳокимлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларида республика мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, «Ўзавтойўл» концерни раиси М. Абдуллаев, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, республика бош санитария врачи Б. Ниёзматов ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққанлар мустақил Ўзбекистонимизда бўлажак байрамга ҳар қачонгидан ҳам пухта ва қизғин ҳозирлик кўрилаётгани, тайёргарлик ишлари ҳамма ерда ўзгача кўтаринки руҳда, зўр уюшқоқлик билан олиб борилаётганини қайд этиб, тақдирини жонажон Ватанининг буюк келажаги билан боғлаган ҳар бир инсон ана шу қутлуғ санага ўзининг муносиб улушини қўшаётгани, бундан эса унинг қалби зўр ифтихор, ғурур ва севинчга тўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида улуғ айём шарафига кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Барча юбилей иншоотларини мустақиллик кунигача тўла фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Тошкентда шундай объектларни бунёд этиш ишлари мисли кўрилмаган суратларда олиб бориляпти. Пойтахтимизнинг Форобий кўчасидаги ўзгаришлар, Темурийлар даври тарихи музейи, янги бозорлар, савдо расталари, мактаблар, шифо масканлари қурилиши бунинг ёрқин исботидир. Ҳозир бу иншоотларда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Кўчалар, хиёбонлар, дам олиш масканлари, турар-жойлар, спорт иншоотлари ва бозорлар тартибга келтирилмоқда, уларнинг санитария ҳолати яхшиланмоқда.

Шу билан бир қаторда мажлисда байрамга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ баъзи камчиликлар, уларни тезда бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатмалар берилди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови якуний босқичига тайёргарлик ишларининг боришини янада жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, К. Раҳимов, С. Саидқосимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

Пойтахтимиздаги савдо шохобчалари бугунги кунда мактаб ўқувчилари хизматидадир. Илм толиблари ҳамда ота-оналар янги ўқув йили учун зарур бўлган ўқув ашёлари, мактаб формалари, пойабзал ҳамда спортга оид кийим-кечакларни мактаб бозоридан харид қилишлари мумкин.

Суратларда: Тошкентдаги «Болалар дунёси»да ташкил этилган мактаб бозоридан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Беш йил давомида 10407 нафар педагог ходимлар давлат ва Халқ таълими вазирлигининг тармоқ мукофотлари билан тақдирландилар.

***

Таълим муассасаларини компьютерлаштириш борасида Ўзбекистон бўйича 2385 та компьютер синфхоналари фойдаланишга топширилди.

***

Мамлакатда 300 га яқин янги турдаги ўқув муассасалари — гимназиялар, лицейлар ташкил этилди ва айни кунда фаолият кўрсатмоқда.

Бонг урамиз!

ҚАРОР НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Тараққиётга йўл мактаблар орқали ўтади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимизнинг яқиндагина қабул қилинган «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорида мактаблар ривожига ҳам катта аҳамият берилган. Ушбу муҳим қарор бир туртки бўлдию Халқ таълими вазирлиги томонидан шу йил ичида республикамиз бўйича қуриб битказилиб, ишга топширилиши шарт бўлган мактаблар рўйхати тузилди. Бу узундан-узоқ рўйхат тизимида Сурхондарё вилоятида қурилиши анчадан буён туя гўшти еб ётган мактаблар ҳам талайгина. Хусусан, Шеробод туманининг У. Туронов номли жамоа хўжалигидаги 844 ўқувчи ўрнига мўлжалланган, бироқ қурилиши узоқ йиллардан бери эрмак бўлиб ётган мактаб барчанинг оғзида. Биз яқинда ушбу «афсонавий объект» билан танишдик. Худога шукрки, неча-неча йиллик «шавкатли меҳнат» ўз самарасини берган: мактаб қаддини хиёл тиклабди. Бироқ, қурилиш ишлари ҳамон ўлдажўлда, баҳоналар эса бир олам: маблағ йўқ, материал йўқ... Танишув чоғи бизга ҳамроҳлик қилган, ушбу «чалажон» мактабнинг директори, халқ маорифи аълочиси Боқижон Деворовнинг ҳасратидан чанг чиқади.

— Тўғриси, ука, мана, шу мактаб қурилиши мени анча чарчатди.

Неча-неча йиллардан бери мен кирмаган идора, учрашмаган бошлиқ қолмади. Ҳамма ерда «аризачи домла», деган ном чиқариб, отнинг қашқасидек танилдим. Бироқ югур-югурларим зое кетаяпти. Қурилишда бир салмоқли силжиш йўқ. Ҳамма идоралар ҳам ёрдам қилишга ваъда беришади, бироқ ҳануз ваъдалар ҳавода қолиб кетаяпти.

Биз бозор иқтисодиёти ҳақида кўп гапирамиз. Қўшимча маблағ топиш учун бош қотириш, югуриб-елиш зарурлигини, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш кераклигини тинмай уқтирамиз. Ҳа, бу борада ортиқча гап-сўзсиз замон талабини тўғри англаб етаётган раҳбарлар, ижрочи ходимлар талайгина. Бироқ шерободлик кўпгина масъул оғалар ҳамон карахтлик исканжасидан қутула билмаганга ўх-

(Давоми 3-бетда)

Янги ўқув йилга тайёрмисиз?

ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ТАШЛАМА...

Вақт — сарбон, кунлар карвон. Биз бу карвонда туякашмиз. Бу қунимсиз карвон дастидан эрта-индин олтин ёзнинг соз лаҳзалари интиҳо топиб, қузнинг бегубор оқшомлари, унинг ортидан эса қиличини ялангочлаб қаҳратон қиш келади.

Ровийлар бисотидан нақл қилмишким, «Ёзда ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан». Шундан бўлса керак, Халқ таълими вазирлигида жойлардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини назорат қилиш учун махсус тузилган штабнинг керакли жойларга «ёпинчиқ» ёпишдек савобли ишлари ҳамон давом этяпти.

Куни кеча мазкур штаб бошлиги — Узбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ раҳбарлигида республика Таълим марказида, Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида ҳамда республика Илмий-педагогика кутубхонасида бўлиб ўтган кузатишлар гапимизнинг жонли мисолидир.

Ушбу назорат республика Таълим маркази бўлимларининг хоналарини кўздан кечириш билан бошланди. Мактабгача тарбия бўлими, нашриёт бўлими, тарбиявий ишлар бўлими, шунингдек, иқтисодий таълим-тарбия лабораторияси бўлимларининг хоналари кирган кишининг кўзини қувнатади. Фақат бир шарти билан, полига қарамасангиз бўлгани. Гапимиздан нималарнинг ҳиди келаётганлигини сезгандирсиз? Ҳа, тўғри топдингиз. Мазкур хоналарнинг поли «тез ёрдам»га муҳтож, яъни текисланиб, рангланиши керак.

Республика Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бўлганимизда саранжом-саришталикни кўрдик.

Республика Илмий-педагогика кутубхонасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. ҳамма хоналар, китоб тахламлари саришта. Аёллар бор жойда саришталик бўлиши табиий. Бироқ кутубхона тагидаги ер ости уйларидаги камчиликларни тузатишда эса эркак қўллари керак бўлади. Бу борада штаб бошлиғи Муртазо СУЛТОНОВ масъул кишиларга керакли топшириқлар берди.

Бугун республикамиз миқёсида бунёдкорлик ишларига катта эътибор бериляпти. Бу билан бугунги озод ўзбек халқининг бунёдкорлик, яратувчанлик жабҳаларидаги моҳирлиги намоён бўлмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Аслида биз майда нарсаларга кўп эътибор беравермаймиз. Демоқчиманки, бугунги қурилаётган ёки таъмирланаётган иншоотларига рангли сайқал бериш ишлари борасида жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим. Негаки, ҳар бир халқнинг, миллатнинг дидига, миллий руҳига мос уйғунлашган ранглари бор. Бу хил майда нарсалар ҳам киши руҳига билвосита таъсир этади.

Алишер НАЗАР.

ТОМ МАЪНОДАГИ ЯНГИЛИК

Ҳар бир янгилик, албатта, эскиликка нисбатан афзаллиги билан вужудга келади. Афзаллиги йўқ бўлса демак, у янгилик эмас, оддий хабар бўлиб қолаверади.

Оммавий ахборот воситалари орқали янги фонд ташкил этилганлигидан хабар топган бўлсангиз керак. Буни том маънода янгилик деб аташимиз мумкин.

Бу воқеа Тошкентда бўлиб ўтган республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, шунингдек, ўз нашрига эга бўлган вазирликлар, идоралар вакилларининг таъсис конференциясида содир бўлди. Мазкур фонд республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланади.

Бу янги фонд Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг меросхўри ҳисобланади. Худди шу ерда биз юқорида айтган янгилик сўзининг моҳияти икки томонлама намоён бўлади. Бунда, аввало, икки куч

(Давоми 4-бетда).

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида» қарори чиқди.

⊛ 12 август куни Тошкентда «Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик» мавзуида халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Унда Марказий Осиё давлатлари делегациялари АҚШ ҳамда Европа халқаро ташкилотлари иштирок этишмоқда.

⊛ Туркия пойтахти Анқарадаги Кечиўран туманида «Амир Темур боғи» барпо этилди. Бу боғ йилига 2 миллионга яқин кишини қабул қилади.

⊛ Россия бош вазири В. Черномирдин якшанба куни Чеченистон бўйича Давлат комиссиясининг мажлисини ўтказди. Унда Чеченистондаги федерал кучларни мустаҳкамлаш юзасидан қарор қабул қилинганлиги айтилиб, куч ишлатувчи идоралар вакилларига тегишли топшириқлар берилган. Адлия вазирлигига зудлик билан Грознийда фавқулодда ҳолат жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

⊛ Грознийда жанглар давом этмоқда. Шаҳар маркази чечен қаршилик ҳаракати отрядлари қўлида. Федерал қўшинларнинг бир неча бор шаҳарга киришга бўлган интилишларига зарба берилган.

⊛ Исроил Бош вазири Б. Натаняху Исроил хукумати мустақил Фаластин давлатининг яратилишига йўл қўймайди, деди. У Исроил ўзи босиб олган араб ерларида — Иордан дарёсининг Ғарбий қисми ва Ғазо секторида яҳудийлар шаҳарчаларини бунёд эттириш ниятини ҳам тасдиқлади.

ЯНГИ ИНТРАНЕТ

XX аср ахборот даврининг ибтидоси бўлса, ажаб эмас. Яқинда АҚШда коллежлар ўртасида «Интранет» деб номланган компьютер ахборот тизими тузила бошлади. «Интернет»дан фарқли равишда ундан фақат илм даргоҳлари фойдаланишлари мумкин ҳамда бу тизим мақсадга кўра махфий ахборотларнинг ўғирланмаслигини таъминлаб бериши керак.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ЯНГИЧА ҲАМШИРА

Англиялик олимлар яратган Дживс номли робот касалхоналардан бирида ишга тушди. У кунига 24 соат ишлайди, бемалол ҳаракатланади ва касалларга ҳам қарай олади. Хизмат ҳақига эса соатига 2 фунт стерлинг олади, фақат электр батареялари етказилиб турилса бас.

ЁШЛИК, ЁШЛИК!

Нью-Йорк — Париж йўналиши бўйича учаётган «Боинг» самолётининг ҳалокати АҚШнинг бор-йўғи 5 минг кишилик Монтьюрсвил шаҳри учун унутилмас фожеа бўлиб қолди. Ҳаво кемасида шаҳарнинг энг истеъдодли, таниқли 16 битирувчиси ҳам бор эди. Ёшларнинг барчаси «Француз клуби»нинг аъзолари бўлиб, уларни Парижга отлантирган нарса ҳам Франциянга бўлган қаттиқ муҳаббатлари эди.

ҲАВАС

Полшанинг Радом шаҳридаги қўллардан бирида ажойиб томоша бўлиб ўтди. Техника университетининг бир гуруҳ талабалари аёллар туфлиси шаклидаги қайиқда бир ҳафта давомида сузишди. Улар бу қайиқ орқали Гиннеснинг рекордлар китобига номларини киритмоқчи эканлар.

ТАЛАБАЛАР ҲАШАРГА

Москва мэри Ю. Лужков шаҳар олий ўқув юртлари учун 40 миллион рубль маблағ ажратди. Ёрдам электр энергия, иситиш тўловлари учун ҳамда ўқув қуроллари сотиб олишга сарфланади. Бунинг учун талабалар кузда шаҳардаги дарахт ўтказиш ишларида қатнашадилар.

Халқ таълими ва ҳокимият

МЕНИНГ ЭНГ КАТТА ОРЗУМ

Т. ХОЛТОЕВ,
Паркент тумани ҳокими

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган вақт мобайнида халқ хўжалигининг барча йўналишларида бўлгани каби ижтимоий-маданий соҳада ҳам қатор муваффақиятларга эришилди. Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда, келажакдаги ишлар аниқ белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, биз бу соҳанинг туманимиздаги аҳволини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик ва ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилдик.

Туман ҳокимлиги ўз дастурини тузиб, шу бўйича ишларни бошлаб юборди. 2000 йилгача жами 5 та қишлоқ врачлик пунктлари ва касалхоналари, 2 та амбулатория қурилади. 3 та соғлиқни сақлаш муассасаси йўналиши ўзгартирилиб, замонавий касалхонага айлантирилади. 840 ўринга мўлжалланган 2 та мактаб қурилади; кичик мактаблар кенгайтирилади. Шу билан бирга қишлоқларни газ, ичимлик суви билан таъминлаш давом эттирилади. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш аҳолининг шахсий уй қуриши ҳисобига кўпайса, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат объектларини ривожлантириш шу соҳани хусусийлаштириш ҳисобига бир неча баробар ортади.

Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажара бориб, шу йилнинг ўзида туманимиз ёш-

(Давоми 2-бетда)

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ҲУНАРМАНДНИНГ ҲУНАРИНИ КЎРИНГ

Қашқадарё вилоятида халқ ҳунармандчилиги усталарининг кўрик-танлови ўтказилиши режалаштирилди. Ушбу танловда вилоятнинг барча туманларидаги халқ ҳунарманд усталари қатнашадилар. Ғолиб усталарни қимматбаҳо совғалар кутяпти.

«ТАБАРРУК»ДА ТАБАРРУК ТЎЙ

Қўқон шаҳар маданият бўлими томонидан Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан «Буюк Турон Соҳибқирони» сарлавҳаси остида барча маданий-маърифий муассаса ходимлари масъул бўлган дастурлар намойиш қилиб борилмоқда. Яқинда шаҳардаги Фурқат номли боғнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган «Табаррук» чойхонасида ана шундай дам олиш дастури ўтказилди.

«ДИЛКУШОД»ДАН ШОД ҚАЙТГАНЛАР КЎП

Избоскан туман халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси халқ таълими ходимларини ёзги таътил даврида сиҳатгоҳларда даволаниш, дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариши учун алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирда 35 нафар таълим ходимлари республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида даволаниб, ўз соғлиғини тикламоқда. Бундан ташқари яқинда бунёд қилинган Хўжаобод туманидаги «Дилкушод» дам олиш масканида бугунгача 40 дан зиёд киши ҳордиқ чиқарди.

ЖУМА КУНИ КЕЛАВЕРИНГ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги ёшлар қўлида. Зеро, уларнинг дам олишларини, баркамол ўсишларини таъминлаш биз катталарнинг бурчимиздир.

Талабалар шаҳарчасида жойлашган «Ёшлик» ҳокимияти ташаббуси билан бундан буён Талабалар шаҳарчасида ҳар жума куни байрам сайли бўлиб ўтади. Унда бепул концертлар, спорт мусобақалари, ҳар хил беллашувлар ташкил қилинади.

МУАЛЛИФЛАР: М. ЭРОНОВ, М. КАРИМОВА, Х. ЖУМАЕВ.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА

УСЛУБИЙ БИРЛАШМАЛАРДАН ЎРГАНАМИЗ

Мактабда таълим-тарбия самарадорлигини оширишда услубий бирлашмалар асосий кучга эгадир. Бу бирлашмалар иши туманимизда ўзига хос ўрин тутаётганлиги ҳам сезилмоқда. Халқ таълими бўлими услубхонаси мудири Ҳ. Бобожонов раҳбарлигида барча мактабларга тавсиялар, услубий маслаҳатлар ўз вақтида етказилиши натижасида Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ўқув муассасалари кўрик-танловларда муносиб ўринларни эгаллади. Жумладан, «Йил ўқитувчиси — 96» танловида 1-мактаб инглиз тили фани ўқитувчиси Маҳбуба Эргашева 3-ўринни, «Йил тарбиячиси—96» танловида «Гулшан» болалар боғчаси тарбиячиси Гулноз Ҳамидова 1-ўринни эгаллаганлигидан фахрландик.

Республика педагогика ўқишларида навбаҳорлик 4 нафар ўқитувчи қатнашди. «Йил тўгарак раҳбари—96» танловида 24-ўрта мактаб кулолчилик тўгараги раҳбари Абдуқаҳҳор Тошев 2-ўринга сазовор бўлди. «Иқтидорли ёшлар танлови»да 5-ўрта мактабнинг расм-чизмачилик фани ўқитувчиси Шавкат Самандаровнинг ўқувчилари 1-ўринни қўлга киритишди. Бундай натижалар туман халқ таълими соҳасида бир талай. Бунда албатта, услубий бирлашмаларнинг ўзига хос ҳиссаси бўлганини таъкидлаш керак.

Туманимиз мактабларида ўқув йили бошида услубий бирлашмаларнинг режалари тузилиб, қуйидаги маълумотлар билан тўлдирилади:

— ўқитувчилар ҳақида умумий маълумот.

—Ўқитувчининг ҳафталик дарс соатлари ва қайси синфларда дарс бериши.

— Мустақил билим олиши.

— Ўқитувчининг шахсий кутубхонаси.

— Обуна бўлган нашрлари.

— Матбуотда чоп этилган мақолалари.

— Танловларда иштирок этиши.

— Мутахассислиги бўйича, мактаб матбуоти ва тўгаракларидаги фаолияти.

— Кўргазмали қуроллар тайёрлаши ва фойдаланиши.

— Ўқувчиларининг олимпиадаларда иштирок этиши.

— Уларнинг олий ўқув юртларига кириши.

— Малака ошириш курсларидан ўтиб бориши.

— Сиёсий билимини ошириши.

Охирги бандда эса ўқитувчи билан тузилган шартноманинг муддати кўрсатилади.

Услубий бирлашмалар режаси бир ўқув йили учун тузилиб, ҳар ойда бир марта ўз йиғилишини ўтказади. Бирлашмаларнинг ютуқлари кўрсатиб берилади, камчиликлар ҳам қайд этилиб, тузатиш чоралари белгиланади.

Туманимиздаги 5,8,9,16,17,18,21-ўрта мактабларнинг услубий бирлашма ишлари барчага намуна қилиб кўрсатиляпти. Ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, бирор мактаб директори ёки унинг ўринбосари барча фанларни тўла илмий таҳлил эта олмайди. Фақатгина услубий бирлашмалар ишини тўғри изга солиш орқали ўқувчилар билимини яхшилаб, кўпроқ ўргатиб бориш мумкин. Юқорида кўрсатилган мактабларимизда ўқувчилар услуб бирлашмалари тавсияси билан аниқ фанларга қизиқувчи ўқувчилар, кўп қиррали қизиқишга эга бўлган ўқувчилар, бирор соҳага ҳам қизиқиши бўлмаганлар гуруҳларга ажратилади. Мактаб ўқувчилари тавсифномаси ишлаб чиқилади. Талаб шуки, бирор ўқувчи эътибордан четда қолмайди.

Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими ҳузурида август кенгашлари олдидан ҳар йили ижодкор услубий бирлашма раҳбарларининг давра суҳбатлари ўтказилади. Туман халқ таълими бўлими мудири яхши натижали ўқитувчиларни аниқлаб, фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирлайди. Шу давра суҳбати атрофида энг юқори балли ўқитувчиларни ХТВ фахрий ёрлиғи ва Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси нишонлари билан мукофотлашга тавсия этиш келишиб олинади.

Рўзибой НАСИМОВ,
Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 24-ўрта мактаб директори, Халқ таълими аълочиси.

ҲОЗИРЛИК

Иштихон туманида август кенгашлари 23 августда бошланади. Бу — бир тажрибасинов. Ўтган ўқув йилининг якунлари қандай? Таълимдаги ўзгаришлар ҳақида кенгашда қандай келишув ва режалар кўзда тутилаётир? Шўъбалар иш фаолиятининг режалари тайёрми? Ўқитувчиларнинг очиқча ва ўзаро мулоқотлари, музокараларида кўпроқ нима ҳақда сўз боради? Мухбиримизнинг шу ва шу сингари бир қанча саволларига туман халқ таълими мудирининг ўринбосари Нурназар ОЧИЛОВ қуйидаги жавобларни изҳор этди.

— Аввало, бу анъана қатор йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотган ёки туширган эмас. Халқ таълимини такомиллаштириб бориш ҳар қандай шароитда ҳам ривожланишнинг энг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида таълим-тарбияни такомиллаштириш, ўтган ўқув йили якунларини сарҳисоб қилиш, келгусидаги вазифаларни бажаришга замин тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Туманимиздаги 95 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабдан ташқари ва 16 та мактабгача тарбия муассасасида 5,5 мингдан кўпроқ халқ таълими ходимлари ўтган ўқув йилини муваффақиятли якунлашди. Барча таълим муассасаларида таъмирлаш ишлари аллақачон тугатилган бўлиб, айни пайтда август кенгашига, жумладан, янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Барча фанлар бўйича ўтказиладиган шўъбалар машғулотларида муҳокама этиладиган масалалар батафсил кўриб чиқилди, маърузалар тайёр. Бу йилги шўъбалар фаолиятининг ҳар йилгидан фарқи шу бўладики, маърузалар ва муҳокама этиладиган мавзулар фақатгина юқоридан белгиланмайди, балки фан ўқитувчиларининг ўзлари танлаган, уларни қизиқтираётган долзарб муаммолардан ҳам иборат бўлади. Шубҳасиз, бу борада «Илғор тажриба мактаби» билан «Ёш ўқитувчилар мактаби» аъзоларининг фикр-хулосаларига кенг ўрин берилади. Ўқитувчиларнинг очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларида инсон омилига, уни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қаратиш лозимлиги ҳақида сўз боради.

«Тарбия таълимдан устун туради, инсонни тарбия вояга етказади» деган эди улуғ алломамиз Беруний. Ёш авлодни ўқитиш, унга замонавий билимларни бериш қанчалик муҳим ва масъулиятли бўлса, тарбия масаласи ундан ўн чандон масъулиятлироқдир.

Бу соҳада ҳам халқ таълими бўлими аниқ тадбирлар асосида иш олиб борди. Педагог ходимларимиздан 300 дан зиёд киши вилоят ва республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида қайта тайёргарликдан ўтишди. Шунингдек, туман халқ таълими бўлими қошида 412 бошланғич, 70 нафар бошқа фан ўқитувчилари, жумладан, ХТБ аппарати ходимлари лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси бўйича махсус қайта тайёрлаш курсларида ўқидилар.

Кенгашда ва шўъбалар машғулотларида бу масалага асосий эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда. Яқин вақт ичида бошқа фан ўқитувчилари ҳам янги алифбо бўйича қайта тайёрлаш курсларида билим ва малакаларини мустаҳкамлашади.

Белгиланган давлат дастури бўйича, шунингдек, факультатив машғулотлар ва дарсдан ташқари вақтларда инглиз тилини ўрганишга эътибор кучайтирилди. Ўтган ўқув йилида бу борада мактабларда дурустгина саъй-ҳаракатлар қилинди. 5 та болалар боғчасида махсус инглиз тили машғулотлари ташкил этилди.

Кенгашда ва шўъбаларда кўриладиган масалалардан яна бири таълим ва дарс беришнинг ноанъанавий усулларини, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усулини, тест синовларини амалий жараёнга янада кенгроқ жорий этишдир. Бу борада ҳам халқ таълими бўлими, унинг услубиёт хоналари етарлича тажрибага эга.

Кенгаш кун тартибида кенг ўрин бериладиган долзарб масалалардан бири бу ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишдир. Сир эмаски, аксарият мактабларимизда (республика миқёсида ҳам шундай дейиш мумкин) бу борадаги ишлар кишига қониқиш ҳиссини бермайди. Тумандаги 65 та ўрта мактабдан 39 тасида компьютер синфлари ишлаб турибди. Бу вилоятимиз миқёсида салмоқли кўрсаткич бўлса-да, бироқ соҳадаги камчиликлар ва ечилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. ЭҲМларни бошқариш, уларни дастурлаш, компьютер имкониятларини чуқурроқ ўрганиш бўйича махсус дарсликлар ва дастурлар етишмаяпти. Энг асосийси, компьютерлар билан бемалол тиллаша оладиган, унинг ишлаш мезонини яхши ўзлаштириб олган мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шўъбаларда бўладиган янгиликлардан яна бири мутахассисларимиз республика, «Информатика ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчиларининг «Истиқбол» уюшмаси билан биргаликда тайёрланган дастурлар асосида физика, геометрия, биология, математика курслари бўйича 9,10,11-синфларда 15-20 соатлик дарс дастурлари муҳокама этилади ҳамда янги ўқув йилида барча мактабларда ана шу дастурлар асосида сабоқ бериш йўлга қўйилади. Бу борада республика «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» фани ўқитувчиларининг «Истиқбол» уюшмаси кўрсатаётган ёрдамни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Ана шу уюшма ташаббуси билан ўқув йили бошида «Информатика ва ЭҲМ асослари» дарслиги муаллифи иштирокида тумандаги шу соҳа мураббийлари ва ЭҲМ мутахассисларининг ўқуви ташкил этилади.

Янги ўқув йилида мактаб ҳаётида нималар кўпроқ акс этиши керак, деган савол ҳар жиҳатдан ўринлидир. Аввало, ўқитувчи омилига эътиборни кучайтириш билан бирга дунёқараши ва билим доираси чуқур бўлган ўқувчини тарбиялаш бош вазифамиздир. Бунинг учун таълимнинг эски ва сийқаси чиққан усулларидан тезроқ воз кечишимиз керак. Маълумки, қатор йиллар давомида «Синфимизда қолоқлар бўлмасин», «ўқувчилар орасида «иккичи»ларга ўрин йўқ» каби шиорлар асосида иш олиб борганимиз, ўқитувчиларнинг асосий вақти ўзлаштиролмайдиган бола билан банд бўлиб қолганлиги ишга тўғаноқ бўлиб келди. Ҳозир эса кўпроқ аълочи ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг қизиқишлари ва қобилиятларига қараб ўз вақтида тўғри йўналиш бериш, шу асосда иқтидорли болалар сафини кенгайтириб боришга эътибор кучайди.

Ўйлаймизки, янги ўқув йилида туманимизда таълимдаги ютуқларимиз кўпаяди. Таълим-тарбиянинг янги-янги ютуқларини кашф қилишда маорифчиларимиз фидойилик кўрсатаверадилар.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

ИЖОДКОРЛИК – ТАРБИЯ ИШИ ТАЯНЧИ

Болалар тарбияси — умуммиллий масала. Шу боис янгиланган жамиятдаги бозор иқтисодиёти муаммолари халқ таълимига, шу жумладан, унинг мактабгача тарбия соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ биз бугунги кунда мураккаб, аммо эртаси порлоқ кунларни бошдан кечирмоқдамиз. Яшаш шароити қийинчиликларига қарамай дилбандларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, эҳтиётлаб ва қалб қўримизни бахшида этиб, уларни комил инсон қилиб тарбиялаш асосий вазифамиздир. Зотан мамлакатимиз Олий Кенгаши томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу ҳар қандай шароитда ҳам таълим-тарбияга эътиборни кўчайтириш орқалигина республика иқтисодиётини кутариш, унинг ҳақиқий маънодаги нурли истиқболини таъмин этишга кафолатдир. Қонунни амалга ошириш илк натижаларини бизнинг туманимиз, қолаверса, боғчамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Узбекистон тумани халқ таълими тасарруфида 30 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд. Ушбу масканлардa ҳозирги кунда 500 дан ортиқ тарбиячилар 3900 нафардан ортиқ кичкинтойларни сидқидилдан тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Бу ўринда ёш авлодга таълим-тарбия беришда қатор ютуқларни қўлга киритаётган 4-сон «Ғунча» болалар комбинатини мамнуният билан тилга олиш мумкин. Бу 290 ўринли, замонавий услубда қурилган болалар масканига халқ таълими аълочиси нишондори Муътабархон Қодирова етакчилик қилаётир.

Бола тарбиясида ҳар бир тарбиячининг ўзига хос йўналиши, бетакрор хусусиятлари бор. Жамоада 29 нафардан иборат педагог-тарбиячи ишлайди. Уларнинг 6 нафари олий тоифа, 13 нафари биринчи ва 9 нафари иккинчи тоифа ҳамда 1 нафари ёш мутахассис тоифа малакаларига эга. Бош тарбиячи Замира Насриддинова «Узбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси», тарбиячилар Мавлудахон Эшонқулова ва Зулфия Кимсановалар «Тарбиячи-методист» унвонига эгадирлар.

Болалар масканида турли хил тўгараклар фаолият кўрсатаяпти. Инглиз тили тўгарагига олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси Барчиной Дадажонова, рус тили тўгарагига иккинчи тоифали тарбиячи Дилфуза Усмонова, қўл меҳнати тўгарагига иккинчи тоифали тарбиячи Шоира Юсупова, «Ғунча» болалар фольклор дастасига 1-тоифали мусиқа тарбиячиси Юлдуз Кимсановалар раҳбарлик қилишмоқда.

Моддий базаси етарли моддий базага эга булганлиги учун 1994-95 ўқув йилида боғча қошида инглиз тили чуқур ўргатиладиган гимназия синфи ташкил этилди. Гимназия синфида ўқувчилар ўзбек, рус, инглиз тилларидан ҳамда информатика ва ЭҲМдан сабоқ оладилар. Бу синфга олий тоифали тарбиячи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муаззамхон Ботирова раҳбарлик қилаётир.

«Ғунча»нинг ижодкор жамоаси ўз иш режасининг асосига энг долзарб вазифаларни танлаб олган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан «Соғлом авлод учун» дастурини рўёбга чиқариш, кичкинтойларга миллий урф-одатларни сингдириш, иқтисодий билимлар бериб бориш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ана шу режанинг муҳим йўналишларидир. Жамоа уни ўз иши фаолиятига тадбиқ этиб, қувонарли натижаларга эришмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда Халқ таълими вазирлиги бўйруғига асосан бир қанча кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу борада ҳам «Ғунча» ижодкор жамоаси голибликни қўлдан бермай келмоқда. Чунончи, 1994-95 ўқув йилида «Йилнинг энг яхши боғчаси». «Севимли ўйинчоқлар», республика XVI педагогик ўқишлари кўрик-танловларининг туман босқичларида фахрли 1-ўринни, «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловининг туман босқичида фахрли 2-ўринни эгаллади. «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловида иштирок этган «Ғунча»нинг олий тоифали тарбиячиси Эътиборхон Қодирова ўзининг зукколиги, билимдонлиги ва ижодкорлиги билан кўпчилик олқишига сазовор булган бўлса, республика педагогик ўқишлари вилоят босқичида «Доривор усимликлар билан таништириш» мавзуидаги маърузаси орқали 1-тоифали тарбиячи Манзура Аҳмадалиева катта эътибор қозонди. У мактабгача тарбия ёшидаги болаларга Узбекистонда учрайдиган шифобахш усимликларни таништириш йўли билан уларни экологик тарбиялаш масаласини ойдинлаштирди. Моҳир тарбиячи бир қатор усимликлардан шифобахш ичимликлар тайёрлаш усулларини тарбия жараёнига киритди.

Умуман, ҳар бир тарбиячининг изланиши, ижодкорлиги, янги усулларни касб этиши фаолият самарадорлигининг асосидир. Шу боис бу йилги Август кенгашларида «Ғунча» боғчаси сингари жамоалар ишидаги янгиликларни таҳлилий ўрганишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга асосий эътиборни қаратамиз.

Донохон СОАТОВА,
Ўзбекистон туман халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия бўйича методисти.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

(Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунидан).

Олий тонфали муаллима Маҳзуна Сафарова кўп йиллардан бери Термиз шаҳридаги Алишер Навоий номидаги 11-лицей мактабда ўқувчиларга кимё фанидан сабоқ бериб келаётир. У ҳар бир дарсга таълимнинг янги усулларини қўллаган ҳолда ҳозирлик кўради. Шу боис бўлса керак, илм талибларининг мазкур фанга қизиқишлари тобора ортмоқда. Маҳзуна Сафарова республика «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови иштирокчисидир.

СУРАТДА: Тажрибали ўқитувчи М. Сафарованинг 10-синфда кимё фанидан машғулот ўтаётган пайти тасвирланган.

Н. РАҲИМОВ сурати.

ОДДИЙ УСУЛНИНГ УЛКАН МОҲИЯТИ

Тажриба, изланиш, натижа

Бошланғич мактаб ўқувчиларининг деярли барчаси қизиқувчан бўладилар. Улар узларининг қувноқ фаолиятлари давомида дуч келган ҳар бир нарсага диққат билан қарайдилар ва кўплаб саволлар берадилар. Баъзан уларнинг саволлари катталари ҳам уйлантириб қуяди. Кичик ёшдаги болаларнинг ҳар бир саволига қунт билан жавоб бериш, уларнинг дилини оғритмасликка ҳаракат қилиш, ҳар бирларининг камчиликларини йўл-йўлакай, эҳтиётлик билан тузатиб бориш, болалар шахсининг камол топиши ва шаклланишида, уларнинг ўқитувчига бўлган меҳр ва ишончларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Кичик мактаб ёшидаги болалар учун энг катта обрў—бу ўқитувчи», — деган эди М.Ш.Амонашвили. Дарҳақиқат, кичик ёшдаги болалар ўз муаллимларига, уларнинг билимига, жанжалли масалаларини адолат билан ҳал этишларига ишонадилар. Шунинг учун мен ўз ўқувчиларимни тарбиялашда муаллималик обрўйимдан унумли фойдаланаман ва болаларнинг меҳрини қозонишга ҳаракат қиламан. Шундагина ўқувчиларим уйда ҳам кўпроқ ўқиб, аълочилар сафига ўтиб олишга ҳаракат қиладилар. Масалан, Гисмли қиз дастлабки кунларда ҳарфларни ўзлаштира олмай қийналар эди. У билан бир-икки марта шуғулланганимдан кейин онасига унинг яхши қиз эканлигини, албатта, келажакда яхши ўқиб кетишини, фақат бироз ёрдам бериш кераклигини айтганимдан сўнг бу қиз ўзи ҳаракатга келиб, мустақил ўқий бошлади ва ўртоқларига етиб олди. Энди унинг онгида мен энг яхши ўқитувчи бўлиб қолгандайман. Чунки у бувисидан сўрармиш: «Бувим, сизни ҳам бизнинг ўқитувчимиз ўқиттанми?» деб.

Ўқувчиларнинг билимларини баҳолашда, уларни рағбатлантириш ёки бирон нотўғри ишлари учун қойиш зарур бўлганда ҳам уларнинг камчиликларини кўрсатиш билан бирга, ўзим улар томонда эканлигимни сездириб тураман. Бу ҳам ўз-ўзидан болани яхши ўқишга, билмай қилиб қўйган нотўғри ишини энди такрорламасликка ундайди.

Бундан ташқари боланинг мактабга келган кунидан бошлаб, қаттиқ назорат қилиш, ҳамма нарсани бирдан талаб этиш ҳам болани ўқишдан бездиришга олиб келади. Бола ўқитувчини тушуниши ва онгли равишда билим олиши учун уларни мактабнинг ички ва ташқи қоидаларига аста-секинлик билан ўргатиб бориш зарур. Агар биз таълим-тарбия жараёнида боланинг ёш хусусиятлари, эҳтиёжлари ва қобилиятларини ҳисобга олиб муомала қилсак, кузлаган мақсадимизга эришишимиз яна ҳам осонлашади.

Ўғил-қизларни ўқитишда ҳар бир боланинг инжиқлигини ҳам яхши англашга ва тушунишга ҳаракат қиламан. Ўқувчилардаги барча хусусиятларни англаб, бола қандай бўлса шундайлигича севиб, ўз иш фаолиятим давомида ундаги ёмон нуқсонларни аста-секинлик билан йўқотиб бораман. Боланинг яхши таълим-тарбия олишига ўқитувчининг болани камситиши, тез-тез ва узоқ қойиши, бола шахсига тегиши, уни ҳурмат қилмаслик, болаларга айрича муносабатда бўлиш қабилар халақит беради деб ҳисоблайман.

«Бола қобилиятли бўлиб туғилмайди, қобилиятли бўлиш қобилиятига эга бўлади», — деган халқимизнинг доно нақли бор. Мен бунга амал қилиб, болаларнинг узларини нималарга қодир эканликларига узларини ишонтириш орқали уларни яхши билим олишга ундайман.

Руҳий ҳолати тетик бўлган ўқувчи яхши ўқиш ва одобли бола бўлиш учун яна ҳам қаттиқроқ тиришади. Натижада ўқитувчи кўп нарсага эришади.

Уз иш фаолиятим давомида синалган услублардан яна бири болаларни синфга янги келаётган ўқитувчига топшириш жараёнида болаларга психологик (руҳий) таъсир этишдир. Бундай пайтда болаларни ўқитувчига мақтаб, яхши гаплар билан таништирилса, масалан, «Бугундан бошлаб болалар сизларни фалончи ўқитувчи ўқитадилар. Уйлайманки, сизлар мени уялтириб қўймайсизлар» деб. Уз навбатида ўқувчиларни ҳам номма-ном таништириб, шух болаларни ҳозир анча яхши бўлиб қолди, айрим фанлардан қийналаётган ўқувчиларни ҳам билмайди демай, масалан, Назира ҳам ҳозир ўртоқларига етиб олишга ҳаракат қиляпти, дейиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан ўқитувчи болани яхши, одобли бўлишга ва яна ҳам яхши ўқишга етарли куч имкониятлари борлигига ишонтирган бўлади. Бундай муомала эса ўқувчиларни тартибли ва интизомли болалар қаторига қўшишда катта ёрдам беради. Аксинча, мана бу яхши ўқийди, мана бу ўртароқ дейилса, болалардаги камчиликлар газак олиб, оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, мен ва шогирдларим бир-биримизни тушунишимизда қуйидагилар яхши ёрдам беряпти: 1.Муаллимликнинг ҳурматини сақлаш ва болаларни ҳурмат қилиш. 2.Болалар қандай бўлса, шундайлигича севиб тарбиялаш. 3.Уларга бўлган ишонч. 4.Болаларнинг узларини қобилиятли эканликларига ишонтириб тарбиялаш. 5.Болаларнинг ҳар бир саволига эринмай жавоб бериш. 6.Ўғил-қизларнинг ҳар бир ютуғини рағбатлантириш (сўз билан). 7.Келажакка ҳурмат, қизиқиш, ишонч ва умид билан қарашга ўргатиш.

Ҳа, ўқувчи ўқитувчига ишонса, ҳар доим ва ҳар қандай топшириқни бажаришга ҳаракат қилади, унга тақлид қилади ҳамда шу тақлид орқали узини ҳам бирмунча тарбиялаб боради. Бундай ўқувчилар қийинчиликларни енга оладиган, ҳақиқатни ҳимоя қиладиган, янгиликка интилувчан, келажакка ишонч билан қарайдиган, уз мақсади йўлида тинмай ҳаракат қиладиган ва ҳар томонлама етук киши бўлиб камол топади.

Саодат ОППОҚХЎЖАЕВА,
Наманган вилояти Поп туманидаги 7-ўрта мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси.

Расмий бўлим

ДИҚҚАТ! «ИНСОН ВА ЖАМИЯТ» ФАНИДАН ЯНГИ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган умумтаълим мактаблари ўқув режасига кўра 1996—1997 ўқув йилида «Инсон ва жамият» фани 34 соат ҳажмда ўқитилади. Шу ўзгариш муносабати билан республика Таълим маркази бошчилигида бир гуруҳ муаллифлар томонидан мазкур фан бўйича дарс мавзулари режаси ишлаб чиқилди.

«Инсон ва жамият» фани бўйича мавзулар режасини фалсафа фанлари доктори, профессор И. Соифназаров, фалсафа фанлари номзоллари А. Ҳукумов, Т. Ҳошимов, тарих фанлари номзоди М. Урмоновлар тайёрладилар. Муаллифлар режанинг такомиллашган ва ихчам бўлишига, ўтиладиган мавзуларнинг аниқлигига, бир қатор мавзуларнинг Мустақил Узбекистоннинг бугунги куни билан боғланишига, тарихий мавзуларни ўтишда ҳозирги давр қарашлари акс этишига ҳамда Марказий Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақида ўқувчиларга кенгроқ тушунчалар беришига эътиборни қаратганлар. Режа икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «Ҳозирги замон тараққиет йўли» деб аталиб, икки бобга бўлинган ва 8 та мавзуни қамраб олган. «Ҳозирги замон жамияти турли, ўзаро боғлиқ ва яхлит дунёдир» деб аталган иккинчи бўлим эса беш бобга бўлиниб, улар жами 19 та мавзуни ташкил этади. Биз қуйида ана шу янгиликни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«ИНСОН ВА ЖАМИЯТ» КУРСИ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

Мавзулар	Соатлар миқдори
Кириш. «Инсон ва жамият» курсининг предмети ва вазифалари	1
1 бўлим. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ	
I боб. ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДА ЎТМИШДА ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҚАРАШЛАРИ	
1-мавзу. Инсоният жамияти ҳақида ўтмишдаги қарашлар	1
2-мавзу. Марказий Осиё мутафаккирлари инсон ва жамият ҳақида (IX—XI асрлар)	2
3-мавзу. Ўрта асрлар, Уйғониш ҳамда Янги даврда ижтимоий-иқтисодий фикрлар тараққиёти	1
4-мавзу. XIX асрдан ҳозирги давргача бўлган ижтимоий-сиёсий қарашлар	2
5-мавзу. XVI—XX асрларда Туркистон ва Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий фикрлар тараққиёти	1
II боб. ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ	
6-мавзу. Шарқ ва Ғарб тараққиётининг қиёсий таҳлили	2
7-мавзу. Осиё ва Европа тараққиёти урта асрлар даврида	2
8-мавзу. Инсониятнинг саноат тараққиётига ўтиши	1
II бўлим. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАМИЯТИ ТУРЛИ, ЎЗАРО БОҒЛИҚ ВА ЯХЛИТ ДУНЁДИР	
1 боб. ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ	
9-мавзу. XX аср тараққиётининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари	1
10-мавзу. Ҳозирги даврнинг оламшумул муаммолари	1
11-мавзу. Узбекистонда замонавий тараққий қилган жамият қуриш масалалари	1
II боб. ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖАМИЯТ	
12-мавзу. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши	1
13-мавзу. Жамиятнинг этник тузилиши ва миллий муносабатлар	2
14-мавзу. Шахснинг ижтимоий мақоми	1
III БОБ. ТАРАҚҚИЁТ ВА ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИ ҲАМДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	
15-мавзу. Жамият ҳаётида сиёсий тизимнинг роли. Инсон ва сиёсат. Узбекистон Республикасида ўзига хос сиёсий тизимнинг вужудга келиши	2
16-мавзу. Сиёсий плюрализм ва парламент демократияси	1
17-мавзу. Давлат. Ҳуқуқий давлат қурилиши муаммолари ва шахснинг сиёсий мақоми	2
18-мавзу. Халқаро муносабатлар—ҳозирги замон тараққиётининг кузгуси сифатида. Узбекистон халқаро муносабатлар тизимида	1
IV боб. ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ	
19-мавзу. Маънавият инсоният тараққиётининг ажралмас қисми сифатида	1
20-мавзу. Маънавий маданият	0,5
21-мавзу. Марказий Осиё халқлари маънавий маданияти	0,5
22-мавзу. Фан, маориф, адабиёт ва санъат	1
23-мавзу. Дин ва ҳозирги замон	1
24-мавзу. Мафкура. Узбекистонда миллий тикланиш мафкурасининг шаккланиши	1
25-мавзу. Ҳозирги замон кишисининг маънавий ҳаёти	1
V боб. ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ	
26-мавзу. Инсоният истиқболли жамият бусағасида	1
27-мавзу. Келажак ҳақида ижтимоий башоратлар	1

Иқтисод сабоқлари

ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ҳозирги кун бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг кўп қиррали ва доимо ўзгариб турадиган структурасида асосий бўғин корхона ҳисобланади. Худди ана шу бўғинга умумхалқ ишлаб чиқариш фондларига эгалик қилиш топширилганда унда ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучи бирлашади, ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни юз беради, фан-техника тараққиёти ва самарадорликнинг тақдири ҳал бўлади. Корхона такрор ишлаб чиқаришнинг тугалланган циклига эга бўлади ва ўз харажатларининг ўрнини кўпроқ ўзи топган маблағлари асосида тўлдиради. Корхонанинг иқтисодий системадаги ўрни, ишлаб чиқаришни умумлаштиришда эришилган даража ва унинг ҳозирги ўзига хослиги билан кўп жиҳатдан олдиндан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар ҳамда қўшма корхоналар мавжуд. Бунда қўшма корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Қўшма корхоналар— бошқа мамлакатлар иштирокида бунёд қилинган корхоналардир. Улар ўзаро манфаатдорлик негизида ҳукуматлар-аро шартномалар асосида ташкил қилиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларни ечишга қаратилган. Қўшма корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин. Бу корхоналар, асосан, чет эл техникаси ва технологияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучи ҳисобига ишлайди. Корхона ўзининг мустақил балансига эга ва тўла хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритади. Бадал тўлови ҳисобига молиявий фонд яратади. Республикамизда АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Покистон, Эрон ва бошқа қатор давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, объектлар қурилиб, ишга туширилмоқда.

Ҳаммага маълумки, Республикамизда қабул қилинган мулк тўғрисидаги қонун турли шакл ва қуринишдаги мулкчиликни белгилайди. Жумладан, хусусий мулк, кооператив мулк, қўшма корхоналар мулки, чет эл фуқаролари ва давлатлари мулки. Иқтисодиётимизга чет эл капиталини жалб қилиш, чет эл илғор технологик потенциали ва бошқариш тажрибаларини тадбиқ этиш қўшма корхоналар тузишга қизиқишни орттирмоқда. Қўшма корхоналар, юқорида таъкидланганидек, тўлиқ хўжалик ҳисобида, ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш ва ўзини молиялаштириш тамойили асосида ишлайди. Зарар билан ёки паст рентабелли ишлаётган қўшма корхоналар фаолият кўрсатиши мумкин эмас.

1993 йилнинг бошида республикамизда 607 та чет инвесторлари билан ҳамкорликда ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатиб, шулардан 499 таси қўшма корхона, 88 таси қўшма корхоналарнинг филиаллари, 20 та чет эл корхонаси ва уларнинг авлод корхоналари мавжуддир. Қўшма корхоналарнинг тузилиши республикамиз иқтисодиётини кўтаришда катта роль ўйнаб, ички бозорни халқ истеъмоли маҳсулотлари билан таъминлашга, бозор инфраструктурасини тузишга ёрдам бермоқда. 1992 йилда қўшма корхоналар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми 7664.7 миллион сўмни ташкил этди. Қўшма корхоналар фаолиятини бошқаришнинг муҳим функцияси бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади. Қўшма корхоналарда бухгалтерия ҳисоби бошқаришни маълумотлар билан таъминлаб қолмасдан, молиявий аҳволни яхшилаш чораларини белгилайдиган, махсус, илмий-иқтисодий таҳлил қилиб, йўл-йўриқлар кўрсатиш мумкин.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда қўшма корхоналар сони икки мингтага яқинлашди. Маълумотларга қараганда 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда 13.5 мингта хусусий, 630 тадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатган. Устивор йўналишларга сарфланган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 3.5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бозор тузилмаларида 2 миллион киши банд бўлган. Миллий даромаднинг учдан бир қисми нодавлат шўъбаси ҳиссасига тўғри келган. 1996 йилнинг бошига келиб, бу кўрсаткичлар яна ҳам ўсди. Яратилган миллий даромадда нодавлат шўъбанинг ҳиссаси кейинги пайтда 2 баробарга ортди ва у бугунги кунда 67 фоизни ташкил этмоқда. Кичик корхоналар сони 32 мингтага етди. Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони 2000 тага яқинлашиб қолди. Республика иқтисодиётидаги чет эл инвестицияларининг ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ўтиб кетди. Иш билан банд аҳолининг аксарият қисми нодавлат шўъбасида фаолият кўрсатяпти. Германияликлар билан ҳамкорликда яратилган 58 қўшма корхона ишлаб турибди. Ҳамкорлик саноат ишлаб чиқариши, савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, фан, маданият соҳасида яхши ривожланмоқда. Бу ўринда Германиянинг «Мерседес», «Саламандер», «Алкател» ва бошқа йирик фирмалари фаолиятини алоҳида қайд қилмоқ мумкин.

Кейинги пайтларда биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз. Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосландик:

— биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

— иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

— учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга қўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

— тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Республикага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган. Унда Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш кўзда тутилган.

1994 йил мобайнида республикадаги 640 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион АҚШ доллари аниқ объектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади, Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари битай деб қолди.

Хорижий ҳамкорлар иштироки билан республикада «УзДЭУавто» ва «УзДЭУэлектроникс» (Корея Республикаси), «Узиталмотор» (Италия), «УзБАТ» (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг «Мерседес-Бенц»фирмаси билан биргаликда), тўқимачилик корхоналари сингари ва бошқа қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга оид лойиҳалар амалга оширила бошлади. Шуни қувонч билан қайд этмоқ лозимки, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида барпо этилган «УзДЭУавто» қўшма корхонасида 1996 йилнинг март ойидан бошлаб Ўзбекистоннинг қалдирғоч автомобиллари ишлаб чиқарилаяпти, Германия ва Корея Республикасининг фирмалари иштирокида республиканинг телефон тармоғини замонавий усулда янгилашга киришилди.

Хўш, Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этиш учун барча шарт-шароитлар мавжудми? Ҳа, бизда барча имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд, чунки бизнинг ҳудудимиз табиий бойликларга бой ва меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган. Мустақилликка қадар республикамиз собиқ Иттифоқда хом-ашё етказиб берувчи ҳудудга айланиб қолган эди. Хом-ашёнинг асосий қисми четда қайта ишланар эди. Энди бўлса мана шу табиий бойликни ўзимизда қайта ишлашимиз мумкин. Бунинг учун чет эл сармоялари ёрдамида қўшма корхоналар қуриш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу биринчидан, чет эл замонавий технологияси (НОУ-ХАУ) ва илғор ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўз корхоналаримизни «замонавийлаштириш», иккинчидан, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва унинг жаҳон бозорида «рақобатбардорлик» даражасини ошириш имконини беради. Учинчидан, қўшма корхоналар барпо этиш орқали яхши иш жойлари очилади, ишчиларнинг чет эл замонавий технологиясини ўзлаштириш ва ўз малакаларини ошириш имкони вужудга келади. Тўртинчидан, ўзимизнинг миллий бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиради. Бешинчидан, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда, яъни республикамизда бюджет танқислиги мавжудлиги шароитида, капитал қўйилмалар тежалади ва олтинчидан, чет эл фирмаларининг жаҳон бозорида яхши таниш бўлган сифат белгиларидан ва унинг товарлар сотадиган бозорларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида корхоналаримизнинг жаҳон бозорига чиқишига йўл очиб беради.

Шуни қайд қилиш жоизки, республикамизда қўшма корхоналар фаолиятига доир бир қатор, жумладан «Тадбиркорлик ҳақида», «Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида» ва «Ўзбекистонга чет эл сармояларини жалб қилиш ҳақида» Қонунлар қабул қилинишига қарамай, чет эл сармоялари билан қўшма корхоналар қуришда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Сусткашлик сабаблари аниқланиб, бартараф этида борилаётгани туфайли қўшма корхоналар сони аста-секин ортиб бормоқда. Булар, Совпластитал, Сервекс, Парус-Сибирторг интернейшил, Тин, Интермирко, Интермет, Совавтотекстиль ва бошқалардир. Бу корхоналар ичида «Совпластитал» қўшма корхонаси самарали ишламоқда, четга экспорт қилинаётган маҳсулотлар ичида унинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, корхона 1388 минг чет эл валютаси миқдорида маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Қолган корхоналар эса республика ички бозоридаги талабни қондиришга қаратилмоқда. Республикамиздаги кўпгина қўшма корхоналар компьютерлаштириш, электрон ҳисоблаш машиналарига хизмат кўрсатиш ва уларга иш программалари тузиш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда республикамиз корхоналари бир қанча чет эл сармоядорлари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Жумладан: Австрия билан, электрон-ҳисоблаш техника воситаларини қайта ишлаш, жинси буюмлари ишлаб чиқариш, транспорт хизмати соҳасида; шунингдек, АҚШ билан лаборатория қурилмалари, автоматик бошқариш тизимини программалаштириш, технологик жараёнларни бошқарадиган ва назорат қиладиган приборлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида. Яқинда республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг АҚШ Президенти Б. Клинтон билан ва америкалик ишбилармонлар билан бўлиб ўтган учрашуви қўшма корхоналар қуриш бўйича бўладиган ишларни янада кенгайтириб юборади.

Бундан ташқари, бошқа мамлакатлар сармоядорлари билан ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятлари изчил қидирилмоқда.

Умуман чет эл сармояларини республикамизга келтириш мақсадида қўшма корхоналарни ташкил этиш ва унинг фаолиятини яхшилаш республикамиздаги иқтисодий тангликнинг олдини олибгина қолмай, балки бозор иқтисодиётига ўтишга қудратли восита бўлиб, бозор инфраструктурасини яратишда барча имкониятларни яратиб беради.

Нутфилло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

СУРАТЛАРДА: Паркент тумани ҳокими (чапдаги сурат чапдан учинчи) 6—7-мактаблар учун қурилган 10 минг ўринли стадионнинг очилиш маросимида.

МЕНИНГ ЭНГ КАТТА ОРЗУМ

(Боши 1-бетда).

лари учун ҳашар йўли билан 10000 томошабинга мўлжалланган стадион, 4000 киши сиғадиган кураш майдони қурилди.

Кўрсатилаётган ғамхўрликлар халқимизнинг фидокорона меҳнатида ўз самарасини бермоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бир неча тур бўйича давлат топшириқлари бажарилди, далалардаги, боғлардаги ҳосил бу йил деҳқонларимиз юзининг янада ёруғ бўлишини кўрсатмоқда.

Халқ таълими соҳасини ҳукумат талаб этаётган даражада ривожлантириш, ёш авлодни истиқлол руҳида тарбиялаш бизнинг энг асосий вазифамиздир. Шу маънода қурилиши бир неча йиллардан бери тўхтаб қолган авария ҳолатидаги мактабларни битиришга бел боғлаганмиз. Барча таълим муассасалари янги ўқув йилига ва кузги-қишги мавсумга корхона, муассаса ва ташкилотлар ёрдами билан тахт этиб қўйилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида туманимиздаги барча мактаб жамоаларига ёрдам сифатида ер участкалари ажратиб берганмиз. Тўрт йўналиш бўйича ўқитадиган лицей ташкил этилди, мактабларда лицей ва гимназия синфлари очилди. Ўқитувчиларни ижтимоий ва маънавий ҳимоя қилиш бўйича ҳам маълум тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида парламентимизнинг мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига ўқитувчи кадрларни армия хизматига олмаслик ҳақидаги фикрларни бердим. Ҳозир бу масала ўрганилмоқда.

Маълумки, туманимизда «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик илмий марказлар жойлашган. Бу марказларнинг салоҳияти билан яна 2-3 лицей ташкил қилиш, 2 та боғча-мактаб комплекслари очиш ниятимиз бор.

Шу билан бирга фақат ютуқларга эришаяпмиз, десак хато бўлади.

Энг катта, ечимини кутаётган муаммо — ўқитувчи кадрларнинг етишмаслигидир. Бунинг сабабини топиб, зудлик билан уни ҳал этиш чораларини излаяпмиз. Турли сабаблар билан бошқа соҳаларда ишлаётган ўқитувчиларни мактабга қайтариш, педагогика йўналишидаги синфлар ташкил этиш, ёшларни ўқитувчи касбига қизиқтириш шулар жумласидандир. Ҳокимлик ва туманимиздаги ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар мактаб ўқитувчиларини ҳозирги вақтинчалик қийин шароитда қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқдалар.

Кейинги муаммо ёшлар орасида қонун бузилишининг купайиб бораётганлигидадир. Ҳуқуқий билим бериш мавқеини баланд кўтариш энг асосий вазифамиз бўлиши керак. Ҳуқуқ бузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш барчанинг иши, лекин натижани кимдан сўраш керак? Бу иллатга қарши курашиш ҳам керак, шу билан бирга болага боғча ёшидан ҳуқуқий тарбия берсак, уни тўғри парвариш этсак, муаммо бир мунча ечилган бўларди. Бунинг учун, менимча, ҳуқуқшунос-ўқитувчи кадрларни кўпайтириш керак. Ҳозир бундай кадрлар мактабларда жуда ҳам камчиликни ташкил этади. Агарда бизнинг мактабларимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳуқуқ ва қонунлар чуқур ўргатилса, тартиббузарлик, жиноят содир этиш каби иллатларга аниқ барҳам берган бўлар эдик.

Республикамиз Президенти раҳбарлигида жуда катта иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз кундан-кунга жаҳонга танилмоқда. Юртимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига ҳам тўрт йил бўлди.

Маълумки, шу давр ичида халқ таълимининг моддий-техника базасини ривожлантириш бир оз сусайиб кетди. Бунинг сабаблари ҳаммага маълум бўлганлиги учун шархлаб ўтирмайман. Туманимизда жами 40 та мактаб, 31 та болалар боғчаси, учта бошқа таълим муассасалари бор. Лекин ҳамма мактабда ҳам спорт заллари, компьютер синфлари, фан кабинетлари етарли эмас эди. 10 та мактабдаги спорт майдончалари ҳам талабга жавоб бермасди. Ҳукуматимизнинг кейинги қарорлари асосида, хомийлар ёрдамида ана шундай камчиликларни ҳал этиш чораларини кўраяпмиз. Спорт майдончалари йўқ бўлган мактабларга ер ажратиб бераяпмиз. Мавжуд спорт майдончаларида эса, ҳашар йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бораяпмиз.

Менинг энг катта орзум — туман ҳокими бўлган вақтимда туманда битта ҳам авария ҳолатидаги мактаб бўлмаслигидир.

Туманимиз меҳнат аҳли, зиёлилар бу ишларни ҳал этишга қодир ва уни, албатта, уддалаймиз.

ВИЛОЯТ МАРКАЗЛАРИДА БАНК СИНФЛАРИ

Кеча «Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар марказлари умумтаълим мактабларида ихтисослашган банк синфлари» мавзуида республика амалий семинари ўз ишини тугаллади. Семинарда банк синфларини ташкил этиш ва унга тайёргарлик кўриш, ўғил-қизларни банк синфларига қабул қилишда тест синовларини қўллаш, мактабларнинг банк синфлари учун махсус фанлар бўйича дастурлар ва ўқув мавзуий режалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Мунозараларда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг Бош директори ўринбосари Ш. Содиқов, ХТВ умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш. Пўлатов, шунингдек, Банк синфлари директорлари, республика «Истеъдод» марказининг вилоятлардаги вакиллари ҳамда информатика фани ўқитувчилари иштирок этишди.

Уч кун давом этган семинар сўнгида давра суҳбати ўтказилди. У мунозараларга бой тарзда ўтди. Муаллимларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Қ. МАТКУРБОНОВ.

ҚАРОР НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

(Боши 1-бетда).

шайди. Хусусан, Шеробод туман халқ таълими бўлими идорасида ҳам қулинг ўргулсин хотиржамлик ҳукмрон.

— Шу пайтгача маблағ йўқ эди, — дейди Шеробод туман халқ таълими бўлими мудири М. Бойқулов. — Мана, ҳукуматимизнинг қарори чиқди. Туманимиздаги ўша битмай ётган мактаб қурилишига 7,2 млн сўм пул ажратилибди, насиб бўлса, энди ишлар юришиб кетади.

Биз шу мазмундаги «умидбахш» сўзларни тумандаги, шунингдек, вилоятдаги айнан ушбу мактаб қурилишига масъул ўртоқлардан ҳам эшитдик. Демак, ҳамма Вазирлар Маҳкамаси ажратган ўша 7,2 млн. сўм пулни кутишмоқда! Бироқ У. Туронов номли жамоа хўжалигидаги «чалажон» мактаб кутишдан чарчамадимикан?

— Бизга айни пайтда томни ёпиш учун 400 та плита жуда зарур, — дейди ушбу қурилишнинг бош прораби Ш. Хўжаев. — Тагин, бир қанча эшик-деразалар керак. Ана, шунда ишимиз анча юришиб кетарди.

Қойил, бор-йўғи 400 та плита учун ҳам махсус маблағ кутиб ўтиришса! Ахир, буни, раҳбарлар ўзаро келишиб, ҳар қандай базадан ёки қурилиш корхоналаридан, ҳеч қурса, қарзга олиб туришлари мумкинку? Ахир, бугуннинг жарангдор шиорига айланган «ўзаро ҳамкорлик, ўзаро шерикчилик» уларга тегишли эмасми?

—Вилоят ҳокимияти ҳам Шероботдаги ана шу мактабни тезроқ битказишни диққат марказига олган, — дейди Сурхондарё вилояти капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи М. Зокиров. — Бу йил ичида у фойдаланишга топширилади.

Демак, У. Туронов жамоа хўжалигидаги мактаб қурилиши муборак сана — Мустақиллигимизнинг 5 йиллик юбилей тўйига битмайди. Унда ҳукумат қарори ҳам бажарилмай қолади.

— Янги ўқув йили арафасида битади деган умидда эдим, — деди домла Б. Деворов чуқур «уфф» тортиб.

Бу тиниб-тинчимас маорифчининг куюнганича бор. Чунки у кишининг ўз олдига қўйган талай режалари барбод бўлаяпти. Хусусан, Боқижон ака мана шу «чалажон объект»ни мактаб-лицей қилмоқчи, у ерда чет тилларини ўргатишга, ўзбек миллий кураши сирларидан сабоқ беришга ихтисослашган синфлар ташкил қилмоқчи эди! Афсуски, ўзаро сансалорлик, хотиржамлик нафақат Боқижон аканинг, балки элу юрт қайгусидаги барча жонкуяр шерободликларнинг дилини хуфтон қилиб турибди.

Лукмон БЎРИХОН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Маорифимиз фидойилари

ЗИЁБОН

Саид Саъдуллаевда муаллимлик касбига бўлган қизиқишни устози Чори Музаффаров унинг ўқувчилик йилларидаёқ уйғотганди. Қизиқиш орзуга айланди ва у Саидни Фарғона педагогика институтига етаклади. С. Саъдуллаев 1969 йилда институтни физика-математика ўқитувчиси ихтисослиги бўйича тугатиб, қадрдон она шаҳри — Қаршига бир олам орзуниятлар билан қайтиб келди.

Ёш муаллим ўзининг билимдонлиги, қобилиятлилиги билан тезда Навоий номли мактаб жамоаси орасида обрў-эътибор топди. Ёш ўқитувчи С. Саъдуллаев аввалига Алишер Навоий номли мактаб илмий бўлим мудири, сўнгра Кутузов номли мактаб директори этиб тайинланди. Тадбиркор, кайвони раҳбар кўп ўтмай эл оғзига тушди. У Қарши туман халқ таълими бўлимида назоратчи, сўнгра мудир, вилоят халқ таълими бошқармасида бошлиқ ўринбосари вазифаларида виждонан ишлади.

Мана, 5 йилдирки, С. Саъдуллаев Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу муддат ичида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилдики, натижада институтнинг обрў-эътибори кўтарилди, машғулотларнинг самарадорлиги ошди, кадрлар ўрни-ўрнига мос танланди. Айни кунда институтда 2 та фан кафедраси ва 12 та фан хонаси талаблар даражасида ишлаб турибди.

Институт вилоятдаги 989 та мактаб ўқитувчи ва раҳбарларини тузилган қатъий режа асосида малакаларини ошириб, жойларга керакли услубий режаларни етказиб турибди.

— Жамоамиз ютуқларида Турди Раҳматуллаев, Гулсара Бағриева, Илҳом Очилов, Жанон Абдиев, Фотима Назарова каби тажрибали устозларимизнинг хизматлари каттадир, — дейди институт директори Саид Саъдуллаев. — Улар кўп йиллик тажрибалари асосида янги-янги услубларни жорий қилмоқдалар.

Абдивали ОБИДДИНОВ,
«Маърифат» мухбири.

Ёш олимлар ҳақида ҳикоялар

ФАНГА «НИМАДИР» ОЛИБ КИРИШ...

ҲАММАГА ҲАМ НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ

Муборак Ҳадиси шарифда «Бешикдан то қабргача илм ўрган» дейилган. Зеро, ҳеч нарса илмдан юқори эмас.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Беруниннинг мана бу фикрлари илм ҳақидаги бир дурдир: «Илмлар кўпдир, улар замон иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди.

Одамларнинг илмларига рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳилларини ҳурматлаши уша иқболнинг белгисидир».

Қадим-қадим замонлардан барча фанлар асосида фалсафа фани ётар эди. Кейинчалик одамзотнинг фан-техникани бевосита ривожлантириши натижасида фалсафадан математика, физика, химия, биология каби табиий фанлар ажралиб чиқди. Бу фанлар бир-бири билан чамбарчас боқлиқ эди. Бу боғлиқликни ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Ёш олим Актамжон Холмонов илмий изланишларида бу боғлиқлик ўзига хос жиҳатлари билан намоён бўлди.

Талабалик Актамжон Холманов ҳаётида химия фанининг мўъжизаларини ўрганишга, таъбир жоиз бўлса, кашф қилишга имкон яратди. Баъзилар ўйлаганчалик, студентлик— ўйнаб-кулиш, сайр этиш, кинофильмлар кўриш, романтик туйғуларга берилиш бўлмади унинг учун. Актамжон талабаликда илм ўрганишга, тунларни бедор ўтказишга одатланди. Бу одат борабора унинг ҳаётий мезонига айланди. Бўлажак олим ўқиб юрган кезларида собиқ Иттифоқнинг марказий шаҳарларида таҳсил олишни мақсад қилиб қўйди. Мақсад ёш олимни янги довонларни эгаллашга ундарди. Зеро, талабалик йиллари олимликка даъвогарликда муҳим босқич бўлганини қайд этиш кифоя. Актамжонни 1990 йил январь ойида Москва шаҳридаги Россия Фанлар академиясига қарашли Геохимия ва аналитик химия институтида иккі йил муддатга ўқишга юборишди. Бу стажировка даври эди. У ерда фалсафа ва инглиз тилларидан дастлабки имтиҳонларни топшираркан, ёш химик илм оламига кириб, янгилик яратиш нина билан қудуқ қазишдек машаққатли эканлигига иймон келтирди. У Санкт-Петербург, Северодонецк шаҳарларида бўлиб ўтган ёш олимларнинг илмий-амалий анжуманларида аналитик химиядан қилган ишлари буйича маърузалари билан иштирок этди. Маърузалар шунчаки нари сурди. Туғилиб ўсган Бурганли қишлоғидан фақаттина унинг Москвадаги аспирантурада ўқишга муяссар бўла олиши қалбига илиқ туйғу солар эди. Фан оламида янгилик яратиш учун имкон юзага келган эди. Аспирантура - илм тарозисини ўлчайдиган босқич. Актамжонга эса бу босқич ўзининг янгича жиҳатлари билан бир мактаб бўлди. Назария билан амалиёт бирлиги ёш олимнинг иқтидорини ривожлантиришга туртки бермадимикан?

Аспирантлик йиллари ҳам ортда қолди. Иккинчи масъулиятли дорилфунунда ҳам муваффақиятли ўтган Актамжон Холманов университетга ўқитувчи сифатида ишга олинди. Энди у устозлари билан бир сафда эди. Фан номзодлигини ҳимоя қилишдек узоқ кутилган ҳаяжонли кун 1995 йил 12 апрелга тўғри келди. Унинг «Лазер ионлаштириш спектрометрия ёрдамида табиий ва махсус тоза микроэлектроникада қўлланиладиган моддаларни бевосита таҳлил қилиш усулларини яратиш» мавзусидаги илмий ишига етук мутахассислар, олимлар катта баҳо беришди. Ушанда Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли кимё институти кенгаши томонидан илмий иш мавзусига берилган баҳо қўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Олимларнинг хулосасига қараганда, ҳимоя қилинган номзодлик иши геология-қидирув ва радиоэлектроника соҳасини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Аниқроғи, илмий ишдаги тавсиялар элементларнинг миқдорларини табиий ва махсус тоза моддаларда аниқлашда қўлланилса, кимёвий усуллар билан текширилаётган моддани қайта ишламасдан, бевосита анализ қилиш мумкин экан.

— Устозларим - профессорлар Насимов ҳамда Турсуновларнинг беғараз ёрдамларидан, берган илмларидан беҳад мамнунман, — дейди Актамжон Холманов.

Бугун бу оддий деҳқон ўғлининг қувончи бежиз эмас. Унинг яратгани оламшумул кашфиёт эмас, аммо барибир, янгилик. Фанга «нимадир» олиб киришга ҳамма ҳам эришавермайди.

Ёш олимнинг камолоти ота ўгити, она насиҳатлари билан чамбарчас боғлиқ... Тошқувват бобо ва Шаҳри опаларнинг қобил фарзанди уларга иқбол келтирди, обрў берди. Олис Навоий вилояти Хатирчи туманининг Бурганли қишлоғида яшаётган чол-кампирларнинг кўнгиллари ўз фарзандлари билан тоғдек юксакдир.

Ҳ. ҚАРЧИҒАЕВ.

ТОМ МАЪНОДАГИ ЯНГИЛИК

(Боши 1-бетда).

бирлашди (бирлашган ўзар!), қолаверса, уларнинг вазифаси кўпайди, бойиди. Ўзбекистон Президентининг оммавий ахборот воситаларимиз тўғрисида билдирган қатор танқидий фикрлари борасида ишлашга имкон яралди. Энди ҳамма гап амалий фаолиятда қолди.

Дарвоқе, таъсисчилар янги ташкилот Низоми, фонд кенгаши ва бошқарувини ҳам тасдиқладилар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекциясининг директори Аҳмад Аъзам фонднинг раисдошлари, Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлаб келаётган Рўзмат Сафоев бош директор этиб сайланди.

Мазкур янги фонднинг мақсад ва вазифалари билан танишган матбуот ходимида журналистикамиз келажагига умид уйғониши табиий. Бу, аввало, журналистларнинг малакасини ошириш, уларни дунё журналистикасидан огоҳ этиш, демократиянинг моҳиятини тушунтириб бериш ва ишлаш, матбуотнинг мавқеини кўтариш, уларни қўллаб-қувватлашда кўринади. Мана шу жиҳатлар журналист ҳаётида сезилса фонднинг ўрни тезда билинади.

Мактабгача тарбия муассасаларида

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Истиқлолнинг шонли беш йиллик тўйи арафаси пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 107-болалар боғчаси тарбияланувчилари учун унутилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Куни кеча боғча мураббийлари ва тарбияланувчилари болажонларимизнинг севимли маскани ишга тушганининг 10 йиллигини нишонладилар.

Туман халқ таълими бўлими мудири А. Раҳматуллаев тантанада боғча жамоасини байрам билан табриклар экан, С. Раҳимов туманида 60 дан зиёд боғча кичкинтойларимизга хизмат қилаётганини, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари учун ҳукуматимиз зарур чора-тадбирларни белгилаётганини алоҳида таъкидлади.

Байрамга ташриф буюрган ота-оналар, тумандаги бошқа боғчалар мудиралари 107-боғча намунали тарбия масканларидан бири эканини қайд этдилар. Бунда мудира Вазира Гиёсова, методист Муҳтабар Абдиева, шунингдек, Муҳлиса Муталова, Арофат Йўлдошева, Шоира Юнусова каби тарбиячиларнинг муносиб ҳиссалари борлигини айтдилар.

Шу куни боғча тарбияланувчиларидан бир гуруҳини мактабга кузатиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Болажонларнинг қувончли куни улар ижросидаги турли шеърлар, қўшиқ ва рақслар билан янада файзли бўлди.

К. АЛИЕВА.

Суратлар муаллифи Анвар КАРИМОВ.

Хулдас...

ЎРТОҚ ҚУШЛАР

Биз қушларнинг ёки ҳайвонларнинг одамнинг энг яқин дўсти эканлигини биламиз. Яқинда шунинг исботи — бир воқеа юз берди. Ростовдонлиқ аёл ўз дала ҳовлисида мураббо қилиш билан андармон эди. Тўсатдан унинг атрофида кулранг бир қушча гир айлана бошлади. Қанча ҳайдамасин, қанотли жониворлардан халос топмади. Шу тахлит, қушча билан овора бўлиб, оёғи остига боқдию ранги оқариб кетди. Шундоқ қина пастда билакдай илон кулча бўлиб ётарди. Хўжайка илонни гумдон қилиш мақсадида оғирроқ темирга югуриб бориб, қайтиб келса, илон ҳам йўқ, қушча ҳам учиб кетибди.

ЎТСИЗ КУЙИШ

Литванинг Алитус шаҳри врачлари антиқа ҳолатга дуч келишди. Реанимация бўлимига иккинчи даражали куйган бир болани келтиришди. Унинг қорни, кўкраги, қўл ва оёқлари жароҳат топган эди. Лекин бола ўтда куймаган экан. Кейин маълум бўлишича у ўрилган пичанни йиғишда уйдагиларига қарашган. Лекин шу ўтлар орасида куйдириб юборадиган нави борлигини у ҳам, ота-онаси ҳам билмаган эканлар. Оқибат эса ҳаммага маълум.

ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ БОР

Кейинги пайтда матнни ҳаддан ташқари тез ўқиб, ўзлаштириш урфга айланмоқда. Шундай қилинса, кўп маълумот эслаб қолинармиш. Афсуски, бунинг манфий томонлари ҳам чиқиб қолди.

Ўн икки яшар Камилла Нуармутье тез ўқиш курсида сабоқ олиб, ўзининг ўта лаёқатлилигини кўрсатди. Сорбони дорилфунунида ўтказилган танловда эса биринчи ўринни олди. Бироқ у шу билангина чекланиб қолмади. Ўз кўрсаткичини янада оширмоқчи бўлди. Тинмай машқ қилди. Иттифоқо, бир куни қизчанинг ота-онаси унинг алмойи-алжойи гапираётганини сезиб қолишди. Дўхтирларга кўрсатишса, унда қаттиқ руҳий касаллик асоратлари пайдо бўлибди.

ШАРҚОНА ЖАЗО

Қозон шаҳри атрофидаги томорқалардан бирининг эгаси кечаси картошказорда кимдир тимирскиланиб юрганини сезиб қолди. Ҳамқишлоқларини чақириб, пойлаб туришди. Ўғри ишларни саранжомлаб, энди жуфтакни ростлайман деб турган маҳали, таппа босишди. Олдин қишлоқни хўп айлантириб, сазойи қилишди. Сўнг эса кийимларини ечиб, дарахтга боғлаб қўйишди. Ҳақиқатан ўғри учун бундан ортиқ жазо бўлмаса керак.

ана шунақа гаплар.

ҚИШЛОҒИМ

Ҳар баҳорда қишлоғимнинг
бир ажиб навоси бор.
Ҳанга роҳат, жонга ҳузур
бергувчи ҳавоси бор.
Ҳатто бир бор сув ичган қуш
Маккадан қайтган каби,
Ташнадур лаб сувларида,
минг дардга давоси бор.
Бу шундайин гўзал макон,
эрлари меҳмоннавоз,
Танти, ўктам йигитларга,
қизларнинг равоси бор.
Мана, бу тонг нурга тўлди,
муборак Наврўз куни,
Қаранг, ҳамқишлоғларимнинг,
кўнглида сафоси бор.
Бу кун Соқи Мавлон узра,*
эй Хотам, наззора қил!
Ота-онанг яшаб ўтган,
қадрдон маъвоси бор.
Умидим шул, Ҳазорамнинг
таърифин куйлай мудом,
Йўқса элнинг кўнгли тўлмас,
менга кўп даъвоси бор.

* Соқи Мавлон — Ҳазора қишлоғи ўртасидаги зиёратгоҳ тепалик.

ТУРОҚЛАР

Мени шайдо айлаб эвоҳ, ўшал қошу кўз, лаб,
Ишқ ханжари бир урди юрагимни кўзлаб.
Яраланган оху янглиғ оҳ урарман тун-кун,
Парво қилмай ўтар санам хуснини кўз-кўзлаб.
***
Иғвогар кул ичинда тутаб ёнган чаладур,
Соф кўнгилда ғам кўрса, шодон қарсак чаладур,
Беозор деб сен уни, гар ниқобин йиртмасанг,
Юзингни қаро айлаб, оёғингдан чаладур.

Хотам РАҲИМОВ,
Шаҳрисабз туманидаги 39-ўрта мактаб директори.

Қутлов

Ҳурматли онажонимиз Ойниса КАРИМОВА!

Биз Сизни табаррук 70 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бахтимизга ҳамиша соғ бўлинг, ҳеч қачон дард кўрманг. Худодан Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Эҳтиром билан фарзандларингиз.

Шу десангиз....

ХУДОНИНГ ЎЗИ АСРАДИ

Урушдан кейинги йиллар «энидан тортсанг бўйига етмайдиган» оғир даврлар эди-да! «Етишмовчилик» деган нарса қуриб кетсин. Алихон Эшонбобо ҳатто фарзандларигаям, «ҳавошбевош»да ўздирмай, қаттиққўллик билан қўриқлаб турган «сурхон» узумини узди-да, иккита саватга жойлади. Эшонбобо хуфтон намозидан сўнг саватларни қора ҳангисига юклаб, кечалаб Жом бозорига йўл олди.

Эшонбобо бозор қораси кўриниб турган бир тепаликда саватларини эшагидан тушириб, эски хуржунини узунасига ташладида, ғужанак бўлиб ётганча бироз «мизғигандай» бўлди. «Бозорга вақтлироқ бориб, гавжумроқ расталардан биридан жой эгаллаш керак». Алихон Эшонбобо шу ўй-хаёллар билан саватларни эшагига юклаб, яна йўл тортди.

Ғира-шира саҳар пайтида орқадан бири отлиқ, иккинчиси эшаклик икки нафар киши етиб келди. Алихон Эшонбобо ҳадиксираб, уларга разм солди. «Нима бўлгандаям турқлари анча совуқ одамлар кўринишади. Ишқилиб, узумимни тортиб олишмаса ғўрга эди-ёв. Эй, худо! Ўзингдан бўлак раҳнамом йўқ. Ёмонларингга инсоф бер!..»

— Қани, бобой, хуш кебсиз! — деди «турқи совуқ»ларнинг от миниб олгани дўриллаган товушда.

— Ассалому алайкум. Лангардан келаяпман. Насиб бўлса, Жом бозорига озгина узум олиб бораяпман. Ҳа, энди рўзғор ташвиши-да,- деди Эшонбобо жуда эҳтиёткор бир оҳангда.

— Ҳа, Лангарданман денг, бобой. Ундай бўлса, Маъмурни танийсизми? — сўради «турқи совуқ». Алихон Эшонбобо бир зум ўйланиб қолди: «Қишлоқда иккита Маъмур бор. Қайси бири буларга таниш бўлиб чиқаркин? Шунга мослаб гап қилиш керак. Худо ўнгга буюриб таниш-билиш чиқиб қолди-ёв. Мулла Маъмур қишлоқдан чиқмай, китобини ўқиб, тоат-ибодат қилиб ётган киши бўлса, четда уни ким ҳам танирди. Булар нариги Маъмурнинг танишлари. Ҳа, у ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа изсиз йўқ бўлиб кетиб, яна топилиб келадиганлардан-ку. Булар аниқ ана шу Маъмурни сўрашаяпти...» «Танийман! Танийман эмас, ўша сиз айтган Маъмуржон жондай қариндошим бўлади. Эй, нимасини айтасиз, сизнинг ўша танишингиз Маъмуржон билан ноним ҳам, жоним ҳам бир», — деди Эшонбобо.

— Жуда яхши, — деди турқи совуқ дўриллоқ. — Ўша қариндошингиз Маъмур бундан роппа-роса 3 йил бурун мендан пича пул олиб кетган эди. Ҳеч ушлайдиган жойини топа олмай юргандим. Бобой, энди эшагу узумни бизга қолдирасиз-да, уйингизга жўнайверасиз. Оғайнингиз Маъмурга айтиб қўйинг «раччўт бўлдик». «Турқи совуқ» отини Эшонбобонинг эшаги олдига кўндаланг қўйди.

Ана холос, бу ёғи қанчадан тушди... Алихон Эшонбобо ўзини қўлга олиб «турқи совуқларга юзланди: «Биродарлар, Лангарда иккита Маъмур бор. Сизлар қайси Маъмурни айтаяпсизлар? Мен оппоқ соқолли мулла Маъмурни айтаяпман. Сизлар ҳалиги кичкина газзоб Маъмурни айтяпсизлар, шекилли? Ҳой, аттанг! Шундай шунқор йигитлар ўшандай қўли эгри одам билан ошначилик қилиб юрибсизларми? Афсус ва яна афсус! У газзоб-ку. Уни турқи қурсин. Ҳа, у жуда ёмон, алдамчи одам. Унда менинг ҳам пича оларим бор. Ололмай юрибман...» Отлилар» шалпайиб, Алихон Эшонбобога йўл бўшатди. Эшонбобо қора ҳангисига зарб билан қора қайрағоҳдан ясалган халачўпни усти-устига босар, бор товушда оғзи тинмай, «газзоб Маъмурни» ҳақоратлаб сўкарди...

«Турқи совуқлар» анча ортда қолиб кетишди. Энди Алихон Эшонбобо «газзоб Маъмур»ни эмас, ўзини койиб борарди: «Галварсман, ҳа, ўйламай гапираман. Бошдаёқ Мулла Маъмурни айтсам бўлмасмиди... Ҳалиям худонинг ўзи забон берди, минг марта шукр. Худонинг ўзи асради...»

Абди Вали ОБИДДИН.

Муҳим қўлланма

ВАТАН ТУШУНЧАСИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Оила жамият тараққиёти ва тарихида муҳим ўрин тутади. Оилавий муносабатларда ижтимоий ҳаёт ва жамиятдаги мавжуд тамойиллар ўз аксини топа боради. Буни ибтидоий жамоа тузумидан тортиб бугунги жамиятимиздаги турмуш тарзи ҳам кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг янги Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлишлиги алоҳида таъкидланган. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси миллий қадриятларимиз тикланаётган ва ўзлигимизни англаётган бугунги кунда ўз оила тарихини билиши уларда ватанпарварлик ва миллат учун фидойилик туйғуларини пайдо қилиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1995 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан иқтидорли этнограф-олимлар О. Бўриев, И. Шоймардонов, Қ. Насриддиновларнинг «Ўзбек оиласи тарихидан» номли китобининг нашр этилишини хайрли ишлардан бири сифатида қайд этмоқ керак.

Тўғри, ўзбек оиласи масалаларини тадқиқ этган бир қатор ишлар бор. Бироқ мазкур китобда XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек оила жамоаси ва маиший турмуш тарзи тарихий-этнографик йўналишда ўрганилган. Китобга Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги тарихий-этнографик маълумотларнинг асос қилиб олиниши ҳам ўзбек оила жамоаси тараққиёти тарихини атрофлича ўрганиш имконини берган.

Китобнинг биринчи бобида ўзбек катта оиласи ҳақида тушунча берилади, бу оиланинг ўзига хос хусусиятлари ва тараққиёти масалаларини атрофлича ёритилади. Бу каби масалалар оиланинг ижтимоий бирлиги асосланган иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлар таҳлили воситасида очиб берилган. Хусусан, оила-жамоа муносабатларнинг ўзаро алоқасида оилавий маслаҳатларнинг — «кичик маслаҳат», «оилавий маслаҳат», «катта маслаҳат» каби ўз ҳуқуқ мақомига эга бўлган типлар мавжудлиги, оиладаги меҳнат тақсимотлари мисоллар асосида кўрсатилади.

Маълумки, ўзбекларнинг ўтмиш оилавий турмушида уруғ, қабила кўриниши етакчилик қилган. Қадимда ўзбекларнинг бир аждоддан тарқалган етти авлоди уруғ ҳисобланган. Ана шундай хусусиятлар XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек катта оиласига ҳам хос бўлган. Китобда ана шу уруғдошлик хусусиятлари ва муносабатлари «катта ота», «катта бува», «отадош», «эмикдош» атамалари мисолида изоҳланган.

Муаллифлар тадқиқотларида катта оиланинг ўзига хос хусусиятларига тўхталишганда, унинг умумбашарий ва инсонпарварлик томонларига алоҳида эътибор берганлар. Бу ўринда ўзбек катта оиласида қўшничилик ва уруғдошлик муносабатлари, бу муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзига хослигини кўрсатувчи тўй, қиз бериб, қиз олиш, ҳашар билан турар-жой қуриш, меҳнатни рағбатлаш, меросхўрлик каби этнографик маълумотларнинг келтирилганлигини қайд этиш керак.

«Ўзбек оиласининг анъана ва маросимлари» деб номланган иккинчи боб китобга айрича зеб бағишлаган. Чунки унда миллат ва халқнинг ўзигагина хос бўлган анъана ва урф-одатларнинг тарихи ривожланиши таҳлили ўз аксини топган. Маълумки, ҳар бир халқ ижтимоий ҳаётидаги илғор анъаналар халқ манфаати йўлида хизмат қилиб келган, яхши фазилатларнинг бир авлоддан иккинчи авлодга ўтишида восита ҳисобланган, ўша жамиятнинг ахлоқий-маънавий кўринишларини ўзида жам қилган, шунингдек, урф-одатлар орқали шахс жамоа билан чамбарчас боғланган жамоанинг ижтимоий, ахлоқий нормаларини, идеалларини англаган ва қабул қилган.

Китоб муаллифлари ўзбек оиласидаги анъана ва маросимлар ҳақида фикр юритишар экан оилавий урф-одатлар, бола туғилиши ва у билан боғлиқ маросимлар, оилавий байрам ва тўй маросимлари, оилада бола тарбияси билан боғлиқ расм-русмларни халқ ҳаётидаги мавжуд ва бой тарихий-этнографик маълумотлар асосида ёритишга интилганлар. Энг муҳими, бу масалаларни ўрганишда қиёсий таҳлил етакчилик қилган. Китобхон бундай таҳлил асосида мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасидаги анъана ва маросимларнинг ўзига хослиги ҳақида, ҳаттоки, бир қатор туркий халқлар ва Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг урф-одатлари ҳақида тушунчага эга бўлади.

Бугунги кунда халқимиз миллий-маданий ва ижтимоий сиёсий ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар китобнинг хулоса қисмида «Паспорт олиш», «Биринчи қўнғироқ», Мустақиллик ва Конституция куни байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари маросимларининг юзага келиши билан изоҳланадики, бу ўз навбатида ўқувчида Ватанга ва миллатга бўлган муҳаббат, даставвал, оиладан бошланишини уқтиради.

Умуман китоб ҳар бир оилада, тарбия масканларида ёшларимизни халқимиз анъаналари ва урф-одатлари асосида тарбиялашда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади.

Дамин ТЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Тарбия чорраҳаларида

БОЛАЛАРНИ СЕВИБ, ИСТЕЪДОДНИ АРДОҚЛАБ

Валижон Абдураҳмонов 1993 йилдан бери Хўжаобод туманига қарашли болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида қошидаги «Драма» тўгарагига раҳбарлик қилади. Тўгаракка турли мактаблардан иқтидорли ўқувчилар жалб этилган.

Кўпчиликнинг назарида актёрлик, умуман саҳна ҳаёти бир оз енгилдек, фақатгина мулоқоту арзимаган кичик ҳаракатлардан иборатдек туюлади. Аслида театр саҳнаси дегани ҳар бир ижрочидан метин ирода, бетакрор қобилият, қолаверса, кучли билимдонлик талаб этади. Валижон ана шу машаққатларга дош бера олгани учун, энг асосийси, болаларни қаттиқ севиб қолгани учун ҳам театрни ўқувчилар орасига дадил олиб кириб, ҳар бир энг юқори истеъдоднинг мезони, албатта, мактаб остонасидан бошланиши муқаррарлигини аниқ исбот эта олди.

Ўтган йили Валижон учун айниқса, қувончли воқеаларга бой йил бўлди. Республика миқёсида биринчи марта ўтказилган «Йил тўгарак раҳбари-95» кўрик-танловида у ўзининг топқирлиги, билимдонлиги, сўзамоллигини кўрсатиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.

«Драма» тўгараги фаолияти мактабдан ташқари муассасалар тўғрисидаги Низом ҳамда «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси» асосида йўлга қўйилган. Ҳар бир машғулот экологик, эстетик, ахлоқий, ватанпарварлик, маҳаллада тарбиявий ишларни ташкил этиш, иқтисодий тарбия билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Иқтидорли болалар 4-республика слётида В. Абдураҳмоновнинг шогирди, тўгарак қатнашчиси Барно Нўъмонова «Адабий ўлкашунослик» шўъбасида хўжаободлик ҳажвчи ёзувчи Тўхташ Ашуровнинг ҳаёти ва ижоди мавзусидаги илмий иши билан қатнашиб, 1-ўринни эгаллади. Барно Нўъмонова каби тўгарак аъзоларининг истеъдодларини ўстиришга устоз ҳар томонлама эътибор беради. Валижоннинг тўгарак қатнашчиларининг ота-оналари билан ҳам ҳамкорлиги жуда яхши. У тез-тез ўқувчиларининг хонадонларида бўлиб, яшаш шароитлари билан қизиқади, ота-оналар билан юракдан суҳбат қуради. Қолаверса, В. Абдураҳмоновнинг услубчи сифатида умумтаълим мактабларига кўрсатаётган ёрдамлари ҳам беқиёсдир. Ҳозирги кунда у тайёрлаган услубий хат ва сценарийлар асосида мактаблар, маҳаллалалар, боғчалардаги ташкил этилаётган байрам, кечалар қизиқарли ва ўзига хос жозиба касб этмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, болаларни юракдан севган киши кам бўлмайди. Чунки, болалик ёлғондан, ғараздан, жамики ёмон иллатлардан энг йироқ бўлган умрнинг ёрқин фаслидир. Болага фақат озгина меҳр бўлса бас. Келажакда, албатта, у хонадонимизга бир дунё гўзаллик олиб кириши шубҳасиздир.

Марат ШАФИЕВ,
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.